

Жума намозининг ракъати



11:30 / 06.09.2019 1790

Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Жума намози икки ракъатдир. Рўза ҳайити намози икки ракъатдир. Қурбон ҳайити намози икки ракъатдир. Сафар намози икки ракъатдир, тўлиқдир, қаср эмасдир. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тилларидандир».

Насоий, Аҳмад ва Ибн Можа ривоят қилишган.

Насоий ва Термизийнинг ривоятларида:

«Ким жума намозидан бир ракъатни топса, батаҳқиқ, намозни топган бўлади», - дейилган.

Дорақутнийнинг ривоятида эса:

«Ким жумадан бир рақъатни топса, унга бошқа бир рақъатни қўшсин. Кимдан икки рақъат ҳам ўтган бўлса, тўрт рақъат ўқисин», – дейилган.

Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тилларидан собит бўлган: «Азҳо намози икки рақъатдир, Фитр намози икки рақъатдир, мусофирнинг намози икки рақъатдир, жума намози икки рақъатдир, тўлиқдир, қаср эмасдир».

Насоий, Аҳмад ва Ибн Можа ривоят қилишган.

«Жума ҳақидаги оят ва ҳадислар» китобидан